

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ИБРАТ ЯХШИМУРОДОВИЧ**

**ПАХТА ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА ТОЗАЛАГИЧ АГРЕГАТИ**  
**КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника**  
**тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Ражабов Ибрат Яхшимуродович**

Пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати конструкциясини  
такомиллаштириш..... 3

**Ражабов Ибрат Яхшимуродович**

Совершенствование конструкции очистительного агрегата для  
процесса очистки хлопка..... 21

**Rajabov Ibrat Yakhshimurodovich**

Improving the design of the cleaning unit for the cotton cleaning  
process..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ИБРАТ ЯХШИМУРОДОВИЧ**

**ПАХТА ТОЗАЛАШ ЖАРАЁНИДА ТОЗАЛАГИЧ АГРЕГАТИ**  
**КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника**  
**тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т741 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти хузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.ttesi.uz](http://www.ttesi.uz)) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафоев Абдухалил Абдурахимович**  
техника фанлари намзоди, доцент

**Расмий  
оппонентлар:**

**Баходиров Ғайрат Атаханович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи  
ташкilot:**

**Жиззах Политехника институти**

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» июль «10<sup>00</sup>» соатидаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: [info@ttesi.uz](mailto:info@ttesi.uz) ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-кават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (103 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5.Тел: (+99871) 253-08-08).

Диссертация автореферати 2021 йил "02" июль куни таркатилди.  
(2021 йил «02» июльдаги 103 рақамли реестр баённомаси)

Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш раиси, т.ф.д.  
**И.К.Сабиров**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., профессор  
**А.З.Маматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раис ўринбосари,  
т.ф.д., профессор  
**Х.А.Бабаханова**



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодиётни муҳим бўғинларидан бири тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Бу борада, «пахта етиштиришда дунё миқёсида етакчилар – Хитой, АҚШ, Ўзбекистоннинг пахта толаси ва унинг сифатига бўлган талаб мунтазам ошиб бормоқда. Шунинг учун пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқаришида энерго-ресурстежамкор технологиялар ва ускуналарни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш тақозо этади»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан пахта хомашёсини қайта ишлаш технологиясини амалга ошириш учун замонавий автоматлаштирилган тизимларини яратиш, бундай технологияларни янги усуллари ва жараёнларни ишлаб чиқиш, турли технологик машиналардан ўрнатилган талабларга кўра фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш технологияларини такомиллаштириш ва уларни амалга оширувчи энерго–ресурстежамкор ускуналарни ишлаб чиқиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш, пахта тозалаш машиналарининг ишлаш жараёнини автоматлаштириш, технологик жараёнга таъсир этувчи омилларни оптимал қийматларини аниқлашга йўналтирилган илмий–тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, соҳада, жумладан ишлаб чиқаришда пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалашда муҳим технологик машиналардан бири - пахта тозалагич конструкциясини ишлаб чиқиш, уни илмий асослаш ҳамда мавжудларини такомиллаштиришга алоҳида этибор берилмоқда.

Республикамизда пахтани ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнларини ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган ресурстежамкор технологик машиналарини ва жиҳозларини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган техника ва технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахтани тозалаш корхоналарида бошланғич кўрсаткичларга боғлиқ равишда қайта ишланаётган хомашёдан белгиланган сифатли маҳсулотни олишни таъминлаш мақсадида пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш учун самарали техника ва технологиясини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup><http://www.cotton.org>. journal of cotton science; jit.sagepub.com.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947–сон Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахтани ифлосликлардан тозалаш технологик жараёнларини фундаментал масалалари билан боғлиқ муаммолар, тозалагич агрегати технологик кўрсаткичларини муқобиллаш, янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича тадқиқ этиш билан ҳорижда R.K.Byler, J.W.Laird, W.S.Anthony, R.V.Baker, R.M.Sutton, S.E.Hughs, D.P.Whitelock, G.Robert, J.D.Wanjura, A.P. Корабельников ва бошқалар шуғулланишган.

Мамлакатимизда пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги уни тозалашни назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асосларини яратишда Б.А.Левкович, Г.И.Болдинский, Г.И.Мирошниченко, Р.З.Бурнашев, А.Е.Лугачев, Б.М.Мардонов, А.П.Парпиев, Ю.С.Сосновский, А.Бененсон, С.А.Самандаров, С.Д. Балтабоев, А.А. Сафоев, И.Д.Мадумаров ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Бажарилган илмий тадқиқотларни таҳлили шуни кўрсатадики, пахтани ифлосликлардан тозалаш бўйича илмий ва конструкторлик тадқиқотларида тозалаш самарадорлиги, иш унумдорлиги, чигитнинг шикастланганлиги ва ифлослик таркибидаги пахта миқдори энг асосий кўрсаткичлар сифатида белгилаб олинган ҳолда, технологик машиналардан муқобил фойдаланишни белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири энерго– ва ресурстежамкорликка ҳамда пахта тозалаш жараёнини жадаллаштириш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий ишлари режасининг № ИОТ–2016–2–20 «Пахтани қайта ишлаш машиналари учун ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** винтли ишчи органга эга пахтани майда ифлосликлардан самарали тозалашни таъминловчи, энерго- ва ресурстежамкор тозалагич агрегатини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

илмий–тадқиқот ва конструкторлик ишларини аналитик таҳлил этиш асосида комбинациялашган ишчи органларга эга, энерго– ва ресурстежамкор тозалагич агрегати конструкциясини ишлаб чиқиш;

пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жадаллигини ошириш учун тозалагич агрегатини винтли ишчи органларини пахта билан ўзаро таъсирини назарий асосларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган тозалагич ишчи органларини муқобил иш тартиблари ва конструктив ўлчамларини тажрибавий тадқиқ этиш;

пахта тозалаш жараёнини жадаллаштирувчи энерго– ва ресурстежамкор такомиллаштирилган тозалагични ишлаб чиқариш синовларини бажариш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика пахта тозалаш корхоналарида қўлланиладиган технологик машина - майда ифлосликлардан тозалагич агрегати қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида такомиллаштирилган тозалагич агрегатини энерго– ва ресурстежамкор конструкцияси ва технологик кўрсаткичларини пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнини жадаллаштиришга таъсирини аниқлаш белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида назарий механиканинг динамик таҳлил, олинган натижаларни дифференциалли баҳолашнинг Лагранж, математик статистиканинг тажрибаларни режалаштириш, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахтани майда ифлосликлардан тозалаш агрегатини винтли ишчи органга эга юқори самарали, энерго- ва ресурстежамкор конструкцияси ишлаб чиқилган;

пахта хомашёсини қайта ишловчи винтли конвейерни муқобил иш тартиблари, кўрсаткичлари, критик радиусларини ва кўтарилиш муқобил бурчакларини аниқлашни ифодаловчи математик боғланишлар ишлаб чиқилган;

пахтани винтли ишчи органда тозалаш жараёнини назарий ва тажрибавий тадқиқотлари асосида тозалагич агрегати тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар учун боғланишлар ишлаб чиқилган;

винтли ишчи орган қозикларига тушаётган юклама қиймати даврий ҳолатига кўра ўзгариши аниқланган;

пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегатини винтли ишчи органи қозикларини пахтани илиб олишини таъминловчи шартлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта тозалаш жараёнида винтли ишчи органга эга тозалагич агрегати қўллаш ҳисобига хомашёни ифлосликлардан юқори самарали тозалаш машинаси ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати винтли ишчи органини муқобил кўрсаткичлари, уни қозикларидаги юкланишларни ўзгариши аниқланган;

пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати винтли ишчи органи техник кўрсаткичлари қийматлари, жумладан винтини айланишлари сони, қадами, қозик баландлиги ва диаметрининг рационал параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларини ишончлилиги.** Пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати конструкциясини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, тамойиллар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқот натижаларини бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишдаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани винтли юза бўйича ҳаракатланиши қонуниятлари, унга таъсир этувчи омиллар ва юзаларни конструкторлик ўлчамларини аниқлашни илмий асосланган усуллари ҳамда пахтани винтли ишчи органда тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган чигаллашишлар ва уларни бартараф этиш усуллари илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тақлиф этиладиган такомиллаштирилган тозалагич агрегатида, ҳозирда қўлланиладиган 1ХК русумли тозалагични охириги тўртта қозикли барабани ўрнига, винтли орган қўллаш ҳисобига тозалаш технологик жараёни жадаллаштирилиши ва бунда олинadиган тозалаш самарадорлиги ҳамда энерго– ва ресурстежамкорлик ортишига минимал ҳаражатлар талаб этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Пахтани майда ифлосликлардан тозаловчи такомиллаштирилган тозалагич агрегатининг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

комбинациялашган ишчи органларга эга тозалагич агрегатига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Толали материални тозалаш қурилмаси», №FAP 01533–2020й). Натижада бундай тозалагичларни қўлланилишида пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини 14–19 % га яхшилашга эришилган;

тозалагичлар учун янги таъминлаш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Пахта тозалагични таъминлаш қурилмаси» №FAP 01144–2014). Натижада қайта ишланадиган маҳсулотнинг тозалаш самараси ва сифатини ошириш имконияти яратилган;



ишлаб чиқилган винтли ишчи органга эга тозалагич агрегати “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги Сирдарё вилояти Сайхунобод ва Тошкент вилояти Қорасу пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 2019 йил 25 сентябрдаги 02–18/5590–сонли маълумотномаси). Натижада комбинациялашган қозикли ва винтли ишчи органларга эга тозалагич тозалаш самарадорлиги 14–19% ортиши ҳамда бундай тозалагичдаги ўрнатилган қувватни 1,3 мартага камайтириш орқали энерго- ва ресурстежамкорликка эришиш имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 16 та илмий конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро, 10 та Республика конференцияларда ва 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикасининг 2 та фойдали моделга патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва техникасини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш, натижалари нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичларни такомиллаштириш бўйича илмий манбаъларни аналитик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида пахтани майда ифлосликлардан тозалагичларни асосий турлари ва уларни конструктив хусусиятларини, пахтани майда ифлосликлардан тозалаш бўйича хорижий техника ва технологияларни, пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини аналитик таҳлиллари натижалари келтирилган. Аналитик таҳлиллар натижасида пахтани ифлосликлардан тозалаш бўйича илмий ва конструкторлик тадқиқотларида тозалаш самарадорлиги, иш унумдорлиги, чигитнинг шикастланганлиги ва ифлослик таркибидаги пахта миқдори энг асосий кўрсаткичлар сифатида белгилаб олинган ҳолда технологик машиналардан муқобил фойдаланишни белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири энерго- ва ресурстежамкорликка ҳамда пахта тозалаш жараёнини жадаллаштиришга етарлича эътибор қаратилмаганлиги

хамда, энг асосийси, комбинациялашган ишчи органлардан тозалагичларда самарали фойдаланиш имкониятлари етарлича ўрганилмаганлиги аниқланган, тадқиқотнинг аниқ мақсад ва вазифалари белгиланган.


Диссертациянинг «Тозалаш жадаллигини ошириш учун тозалагич ишлаб чиқиш ва ундаги жараёнларни назарий тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида тозалаш самарадорлигини оширувчи винтли ишчи органга эга тозалагич ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган янги тозалагич винтли ишчи қисмида пахтани ҳаракатланишини назарий асослари, пахтани тозалаш учун таклиф этилган винтли қурилма ишини ва сарфланаётган қувватни назарий таҳлили, илиб олиш қобилияти яхшиланган қозикни пахта билан ўзаро таъсирини назарий таҳлили натижалари келтирилган.

Пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати конструкциясини такомиллаштириш учун комбинациялашган ишчи органлардан фойдаланиш ва бунда тозалагичларда қозикли барабанлар билан бир қаторда винтли ишчи органларни қўллаш таклиф этилди (1–расм). Бундай конструкциядаги тозалагичга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патент олинди («Толали материални тозалаш қурилмаси» №FAP 01533–2020й).



1,2–қозикли барабанлар, 3,4–тўрли юзалар, 5–винтли орган, 6–иккиланган қозиклар, 7,8–қия тарновлар, 9–тақсимловчи қурилма, 10–икки қиримли шнек, 11–бункер, 12–тирқишли тешик  
1–расм. Комбинациялашган пахтани майда ифлосликлардан тозалагич схемаси


Қайта ишланаётган маҳсулотнинг тозалаш самараси ва сифатини ошириш мақсадида тозалагичлар учун янги таъминлаш қурилмаси (2–расм.) ишлаб чиқилди ва унга ҳам Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Пахта тозалагични таъминлаш қурилмаси» №FAP 01144–2014 й.).



1–бункер, 2–таъминловчи жуфтлик, 3–оралиқ жуфтлик, 4–чиқарувчи жуфтлик.

2–расм. Пахта тозалагични таъминлаш курилмаси

Тозалагичда қўлланилаётган винтли органдаги пахтани ҳаракатланиши назарий жиҳатдан ўрганилди (3–расм).



3–расм. Винтли конвейерда пахта бўлакчасига қўйилган кучлар ва қўзғалмас ҳамда қўзғалувчан координаталар тизимини жойлашуви.

Маълумки, пахтанинг конвейердаги ҳаракати мураккаб таснифга эга ва қуйидаги кўринишда келтирилиши мумкин:

$$N_1 \cos \alpha - f_1 N_1 \sin \alpha - ma \left( \frac{d^2 \phi}{dt^2} \right) - G \cos \gamma \sin \varepsilon + f_2 N_2 \cos \beta - f_1 N_1 \cos \alpha - N_1 \sin \alpha - mr \left( \frac{d^2 \phi}{dt^2} \right) = 0; G \sin \gamma \cos \varepsilon + mr \omega_0^2 + mr \left( \frac{d\phi}{dt} \right)^2 - N_2 - 2mr \omega_0 \frac{d\phi}{dt} = 0. \quad (1)$$

Бу ерда:  $N_1$  – қия текисликни меъёрли реакцияси;  $f_1$  – материални винт паррагига ишқаланиш коэффициенти;  $\alpha$  – винтли чизикни кўтарилиш бурчаги:

$$\alpha = \arctg \frac{S}{2\pi r}; \quad (2)$$

$S$  – винт қадами;  $r$  – ташқи радиус;  $m = \frac{G}{g}$  – материал элементар массаси;  $G$  – уни оғирлиги;  $\gamma$  – вал ўқини вертикалга қиялик бурчаги;  $N_2$  – қобикни меъёрли реакцияси;  $f_2$  – пахта бўлакчаси қобик деворига ишқаланиш коэффициенти;  $\beta$  – тезликларни ўтказиладиган  $\bar{v}_n$  ва абсолют  $\bar{v}$  лари векторлари орасидаги бурчак ёки бурчакли кўрсаткич;  $a = rtg\alpha$  – конвейер кўрсаткичи;

$$\sin \beta = \frac{\alpha \frac{d\phi}{dt}}{v}; \quad \cos \beta = \frac{r \left( \omega_0 - \frac{d\phi}{dt} \right)}{v}; \quad (3)$$

кўрсаткични тригонометрик функцияси;  $\varphi$  – доимий бурчакли  $\omega_0$  тезликка эга винтли конвейерни айланишидаги заррачани оғиш бурчаги [1/сек];  $\phi = f(t)$ ;  $t$  – вақт;  $\frac{d\phi}{dt} = \omega'$  – пахта бўлакчасининг нисбий ҳаракатини бурчакли тезлиги;  $\varepsilon$  – бўлакчани вертикал текисликка нисбатан нисбий ҳолатини аниқловчи бурчак:

$$\varepsilon = \psi + (-\phi); \quad (4)$$

$\psi = \chi\omega_0 t$  – вақтдаги винтли конвейерни буралиш бурчаги;  $m r \frac{d^2\phi}{dt^2}$  – инерцияни уринма кучи;  $m\omega_0^2 r$  – ўтказилган ҳаракатдаги инерцияни марказдан қочма кучи;  $m r \left(\frac{d\phi}{dt}\right)^2$  – нисбий ҳаракатдаги инерцияни марказдан қочма кучи;  $2m\omega_0 r \frac{d\phi}{dt}$  – Кориолис кучи;  $m a \frac{d^2\phi}{dt^2}$  – инерцияни аксиал кучи.

Юқоридагилардан фойдаланиб, алоҳида ажратилган пахта бўлакчасини ҳаракатланиш назариясини кўриб чиққанда, ҳар қандай винтли орган учун бурчакли кўрсаткичга эга тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{f_2[\omega_0^2 r \sin^2 \alpha \cos^2 \beta + g \sin \gamma \cos \varepsilon \sin^2(\alpha + \beta)][\cos \beta - \sin \beta \operatorname{tg}(\alpha + \phi_1)]}{g \sin^2(\alpha + \beta)[\cos \gamma \operatorname{tg}(\alpha + \phi_1) - \sin \gamma \sin \varepsilon]} = 1 \quad (5)$$

$\gamma = 90^\circ$  бўлганда тенглама бизнинг ҳолдаги горизонтал винтли конвейерга тегишли бўлади.

Винтли ишчи органни чегаравий тартиблари ва кўрсаткичларини аниқлаш учун (5) тенгламадан қуйидагини келтириб чиқариш мумкин:

$$\omega_{\text{ўр}} = \sqrt{\frac{g \operatorname{tg}(\alpha + \phi_1) \cos \gamma}{r f_2 [\cos \beta_{\text{ўр}} - \sin \beta_{\text{ўр}} \operatorname{tg}(\alpha + \phi_1)]}}. \quad (6)$$

Бу ерда  $\omega_\theta = \omega_0$  – винтли ишчи орган валини бурчакли тезлиги.

Винтли чизиқларни муқобил кўтарилиш бурчагида максимал ўқли тезлик ва иш унумдорлиги таъминланади:

$$\alpha_r = \frac{\operatorname{arctg} \infty}{2} - \frac{\phi_1}{2} = 45^\circ - \frac{\phi_1}{2}. \quad (7)$$


Винтли конвейерларда критик радиуслар таснифли кўрсаткич ҳисобланиб, улар пахта бўлакчаларини конвейерни бурчакли тезлиги  $\omega_0$  га эга бўладиган ва уларни ўқли силжишлари тўхтайдиган қисм чегараларини белгилайдилар:

$$r_{\text{кр}}^2 = -\frac{g[\operatorname{tg}(\alpha + \phi_1) + 1]}{f_2 \omega_0^2 \sqrt{1 + f_2^2 \operatorname{tg}(\alpha + \phi_1)}} = f(\alpha, f_1, f_2, \omega_0). \quad (8)$$

Винтли ишчи органга эга тозалагичда ўқли тезлик ўртачасини ўзгариш эгриси синусоид кўринишда бўлади ва қуйидаги тенглама билан ифодаланади:


$$\vartheta_{1\text{ўр}} = a \left( \frac{\gamma}{\gamma_1} - \frac{1}{2\pi} \sin \frac{2\pi}{\gamma_1} \gamma \right). \quad (9)$$

Бу жараённи таҳлили асосида горизонтал винтли ишчи органда ўқли ўртача  $\vartheta_{1\text{ўр}}$  тезликни  $f_2$  ишқаланиш коэффицентига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги ишлаб чиқилди (4–расм).



4-расм. Горизонтал винтли ишчи органда ўқли ўртача  $v_{1\dot{y}p}$  тезликни  $f_2$  ишқаланиш коэффицентига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги

Қозиклар томонидан пахта хомашёсини ишончли илиб олмаслиги сабабли пахта тўрли юза бўйлаб ҳаракатида айланиб кетишидан чигаллашиши келиб чиқиши мумкин. Буни олдини олиш мақсадида жараён назарий таҳлил этилди ва илиб олиш қобилияти оширилган қозикни конструкцияси ишлаб чиқилди.



5-расм. Қозик томонидан пахта хомашёсини илиб олиш шартларини аниқлаш учун схема

Пахта хомашёсини тозалагич тўрли юзаси бўйлаб илиб олиш қобилияти оширилган қозик билан олиб ўтишда унга қуйидаги кучлар таъсир кўрсатади (5-расм):

G-пахта хомашёси оғирлиги; С-марказдан қочма куч; R-аэродинамик куч;  $F_1$ -қозикни олдинги юзаси бўйича пахта хомашёсини ишқаланиш кучи;

$F_2$  -пахта хомашёсини тўрли юза бўйлаб ишқаланиш кучи; N- қозик реакцияси; P-қозикни винтли ҳаракати натижасида келиб чиқадиган куч.

$t=0$  моментда пахта хомашё бўлакчаси  $M_0(x_0, y_0)$  нуқтада жойлашган бўлсин. OX ўқи горизонтал, OY ўқи унга перпендикуляр йўналтирилган, у ҳолда пахта бўлакчасининг бошланғич ҳолати:

$$x_0 = r_0 \cos \varphi_0 \quad y_0 = r_0 \sin \varphi_0 \quad (10)$$

Бу ерда  $r$  ва  $\varphi$  қутб координата тизими,  $\varphi$  – бурчак; пахта бўлакчасининг OX ўқи билан ташкил қилган бурчаги.

Пахта бўлакчаси тўрли юзада контакти бўлмаслиги мумкин, бундай шартларни аниқлаш лозим бўлади. Ихтиёрий  $t > 0$  моментда пахта бўлакчаси координатасини бурчак  $\varphi$  ва радиус  $r$  орқали ифодалаймиз:

$$x=r \cos (\varphi_0 + \omega t), \quad y=r \sin (\varphi_0 + \omega t); \quad (11)$$

У ҳолда:

$$\dot{x} = \dot{r} \cos(\varphi_0 + \omega t) - r\omega \sin(\varphi_0 + \omega t); \quad (12)$$

$$\dot{y} = \dot{r} \sin(\varphi_0 + \omega t) + r\omega \cos(\varphi_0 + \omega t); \quad (13)$$

$r$  – радиусни умумлашган координата деб қараган ҳолда, пахта бўлакчасининг кинетик энергиясини аниқлаймиз:

$$T = \frac{1}{2} m (\dot{x}^2 + \dot{y}^2) = \frac{1}{2} m \{ [\dot{r} \cos(\varphi_0 + \omega t) - r\omega \sin(\varphi_0 + \omega t)]^2 + [\dot{r} \sin(\varphi_0 + \omega t) + r\omega \cos(\varphi_0 + \omega t)]^2 \} = \frac{1}{2} m (\dot{r}^2 + r^2 \omega^2) \quad (14)$$

Бу кучларни йиғиндисини тенгламага қўйиб, координата ( $r$ ) нинг қозик бўйлаб ҳаракат тенгламасини оламиз:

$$m\ddot{r} = m\omega^2 r - 2mf\dot{r}\omega + mg \sin(\varphi_0 + \omega t), \quad t < \left(\frac{\pi}{2} - \varphi_0\right) \frac{1}{\omega} \quad (15)$$

Бошланғич шартлар:  $t = 0 \quad r = r_0 \quad \dot{r} = 0$

Агарда  $\frac{\pi}{2} < (\varphi_0 + \omega t) < \pi$  бўлса, бу шартда нормал куч инобатга олинади:

$$m\ddot{r} = m\omega^2 r - 2mf\dot{r}\omega + mg \sin(\varphi_0 + \omega t) - fmg \cos(\varphi_0 + \omega t) \quad (16)$$

Унинг тўрли юзадан юқорига ажралиши учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим бўлади:

$$g[\sin(\varphi_0 + \omega t) - f \cos(\varphi_0 + \omega t)] > r_0 \omega^2 \quad (17)$$

Бу тенгсизликдан пахта бўлакчасининг қозик бўйлаб юқорига ҳаракатланиш вақтини ва илиш бурчагини аниқлаймиз:

$$t_1 = \frac{1}{\omega} \left[ \beta + \arcsin \frac{r_0 \omega^2}{\sqrt{1+f^2}} - \varphi_0 \right] \quad \beta = \arcsin \frac{f}{\sqrt{1+f^2}} \quad (18)$$

Винтли конвейерни радиуси пахтани қанча масофага кўтаришини қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин:

$$r = A_1 e^{-k_1 t} + A_2 e^{-k_2 t} + A_0 \sin(\varphi_0 + \omega t) + B_0 \cos(\varphi_0 + \omega t) \quad (19)$$

$$r = A_1 e^{-k_1 t} + A_2 e^{-k_2 t} - \frac{g}{2\omega^2(1+f^2)} [(1+f^2)\sin(\varphi_0 + \omega t) + (1-f)\cos(\varphi_0 + \omega t)] \quad (20)$$

$$A_1 = \frac{g}{2\omega^2(1+f^2)} [k_2(\sin \varphi_0 + f \cos \varphi_0) + (\cos \varphi_0 - f \sin \varphi_0)] \frac{1+r_0}{k_2-k_1} \quad (21)$$

$$A_2 = \frac{g}{2\omega^2(1+f^2)(k_1-k_2)} [k_1(\sin \varphi_0 + f \cos \varphi_0) + (\cos \varphi_0 - f \sin \varphi_0)] + \frac{r_0}{k_1-k_2} \quad (22)$$

Агарда (20) тенглама  $t_0$ га нисбатан  $t = t_0 < t_1 = \frac{1}{\omega} \left(\frac{\pi}{2} - \varphi_0\right)$ , га эга бўлса, масса ҳаракати  $r = R$ ,  $\dot{r} = 0$  қонуни бўйича боради.

$t > t_1$  бўлганда, (13) тенгламани қуйидагича интеграллаш мумкин:

$$r_1 = B_1 e^{-k_1(t-t_0)} + B_2 e^{-k_2(t-t_0)} + C_0 [\sin(\varphi_0 + \omega t) + D_0 \cos(\varphi_0 + \omega t)] \quad (23)$$


$$r_1 = B_1 e^{-k_1(t-t_0)} + B_2 e^{-k_2(t-t_0)} + \frac{g}{2\omega^2(1+f^2)} [(1-f^2)\sin(\varphi_0 + \omega t_0) + 2f \cos(\varphi_0 + \omega t_0)] \quad (24)$$

$B_1$  ва  $B_2$  домийлари  $r_1(t_0) = r(t_0)$ ,  $\dot{r}_1(t_0) = \dot{r}(t_0)$  шартлардан аниқланади.

$$\begin{cases} B_1 + B_2 = -\frac{g}{2\omega^2(1+f^2)} [(1-f^2)\sin(\varphi_0 + \omega t_0) + 2f \cos(\varphi_0 + \omega t_0)] + r(t_0) \\ k_1 B_1 + k_2 B_2 = \frac{g}{2\omega^2(1+f^2)} [(1-f^2)\cos(\varphi_0 + \omega t_0) - 2f \sin(\varphi_0 + \omega t_0)] + \dot{r}(t_0) \end{cases} \quad (25)$$

Бу тизимдан  $B_1$  ва  $B_2$  доимийлари аниқланади.

Келтирилган маълумотлар асосида, радиусни вақтга боғлиқлиги, яъни пахтани илиб олиш ва тушиб кетиш масофаларини 6–расмда келтирилган графикдан кўришимиз мумкин.



6–расм. Винтли конвейер радиусининг пахтани илиб олиш ва тушиб кетиш вақтига боғлиқлиги графиги

- 1)  $r = 0.2$  м, 2)  $r = 0.2125$  м,
- 3)  $r = 0.225$  м, 4)  $r = 0.2375$  м,
- 5)  $r = 0.28$  м.


Бажарилган назарий таҳлиллар асосида, винтли ишчи органга эга тозалагичда ўқнинг қиялик бурчаги  $\gamma$ , радиус  $r$ , винтли чизикни кўтарилиш бурчаги  $\alpha$ , бурчакли тезлик  $\omega$ , пахтани қатламини винтли ишчи орган айланиши тарафига буралиш бурчаги  $\varphi$ , пахтани ишқаланиш коэффициентлари  $f_1$  ва  $f_2$  га боғлиқлигини ифодаловчи олинган математик моделлар ёрдамида ҳисоблашлар натижасида кўрсаткичлари  $r = 280$  мм;  $\alpha = 30^\circ$ ;  $f_1 = 0,3$ ;  $f_2 = 0,4$   $n_0 = 260$  мин<sup>-1</sup>;  $\varphi = 62^\circ$  ва  $b = 200$  мм. бўлганда пахтани айланиб кетиш эҳтимоли камайишини кўрсатилди.

Диссертациянинг **“Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш жараёнини жадаллаштирувчи тозалагич ишчи органларини тажрибавий тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган энерго– ва ресурстежамкор такомиллаштирилган тозалагич ишчи органларини тозалаш самарадорлигига таъсирини, такомиллаштирилган тозалагич винтли ишчи орган қозиғига, тушаётган юкламаларни такомиллаштирилган конструкциядаги винтсимон ишчи органни пахтани тозалаш ва ташиш жараёнида чигаллашишга таъсирини тажрибавий тадқиқ этиш натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган комбинациялашган ишчи органларга эга тозалагични тозалаш самарадорлиги аниқлаш учун тажриба қурилмасида (7–расм) қиёсий тажрибалар ўтказилди ва уларни натижалари 8–расмда келтирилмоқда.



7–расм. Тажриба қурилмасининг умумий кўриниши



8–расм. Тозалаш самарадорлигини солиштирма диаграммаси

Олинган натижалар таҳлиliga кўра тақлиф этилаётган тозалагичда тозалаш самарадорлиги, нисбатан, 14–19% га ортиши аниқланди.

Тозалагичда қўлланиладиган винтли ишчи органни такомиллаштириш амалга оширилди, бунда яхлит паррак ўрнига винтни чўлғам кўтарилиш бурчаги бўйича Ст6 маркали пўлатдан тайёрланган, диаметри 20 мм. ва узунлиги 200 мм. бўлган қозиклар ўрнатилди. Қурилма ишчи қисмини умумий узунлиги 4000 мм. бўлиб, қозиклар остига маълум тирқишда, тешиклари ўлчами 6 x 50 мм. бўлган тўрли юза жойлаштирилган, қурилманинг умумий кўриниши ва ўлчаш схемаси 9,10–расмларда келтирилган.


Тажриба қурилмасида пахтани қайта ишлаш жараёнидаги қозикқа тушаётган юкломани ўлчаш тензометрик усулда бажарилди. Намуна ёзувлари 11–расмда келтирилган, бунда винтни айланишлар сони  $n = 320 \text{ мин}^{-1}$ , винтли ишчи органни пахта билан тўлдириш коэффиценти  $\varphi = 0,4$ , тажриба синов ишлари Наманган – 77 селекцияли 1 нав 2 – синфида, бошланғич намлиги 10.3 % га, ифлослиги 11,0 % га тенг бўлган пахтада олиб борилди.

Пахтани тозалашда пахта намлиги, тозалаш самарадорлиги, сарфланаётган қувват ва пахтанинг чигаллашишини аниқлаш учун намуналар олиниб, лаборатория шароитида таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари аниқ бўлиши учун тажрибалар уч марта такрорланиб амалга оширилди.






9–расм. Тажриба қурилмасининг умумий кўриниши



1–электродвигатель; 2–тасмали узатма; 3–редуктор; 4–вал; 5–қобик; 6–қозиклар; 7–тўрли юза; 8–тензометрик датчик; 9–токечувчи; 10–вал айланишлар сонини қайд этувчи тахогенератор; 11–юқори частотали кучайтиргич; 12–LTR –154 русумли рақамли ўзгартиргич; 13–компьютерли “ПОВЕРГРАФ” дастурий таъминоти. 14–Ф3343 русумли частотаўлчагич; 15–кабель.


10–расм. Ўлчашни тамойилли схемаси



11– расм. Қозикларга юкламани осциллограммалари

Олинган осциллограммалар таҳлили шуни кўрсатадики, қозикларга тушадиган юклама винтли ишчи орган валини бир айланишдаги қозикларни ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Масалан, винтни бир айланишлари ярмида қозикларга юкламани ўзгариши 50 сН дан 300 сН гачани ташкил этади, бу эса винтли ишчи органни тўрли юзаси бўйлаб қайта ишланаётган пахтани ишқаланиш кучлари билан боғлиқ бўлади.

Винтли орган қозикларига тушаётган юкламани тўлдириш коэффициенти ва қозиклар сонига боғлиқлиги ҳамда қозиклар сонини тозалаш самарадорлигига таъсири ўрганилди ва уларни натижалари 12,13– расмларда келтирилмоқда.



12–расм. Қозикларга тушаётган юкламани тўлдириш коэффициентини ва қозиклар сонига боғлиқлиги

12–расмдан кўринадики, винт айланаси периметри бўйича қозиклар сонини оширишда, уларга тушаётган юклама камайиб боради, масалан, айлана периметри бўйича қозиклар сони 16 та, тўлдириш коэффициентини 0,3 бўлганда қозикка тушаётган юклама 300 сН. ни ташкил этган ҳолда, худди шу шароитларда қозиклар сони 24 тагача оширилганда, қозикларга тушаётган юклама 240 сН. ни ташкил этади.

13–расмдаги графикдан кўринадики, қозиклар сони 16 тадан 24 тагача ортишида тозалаш самарадорлиги ҳам маълум фоизгача ошиб боради, сўнгра камаяди.


Диссертациянинг “Пахтани майда ифлосликлардан винтсимон ишчи органда тозалаш жараёнини муқобиллаш. Такмиллаштирилган тозалагични ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби” деб номланган тўртинчи бобда пахтани винтсимон ишчи органда тозалаш жараёнини муқобиллаш учун тўлиқ омилли тажрибалар, такмиллаштирилган тозалагични ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.

Олинган қийматларни белгиланган тартибда қайта ишлаш орқали қуйидаги регрессион тенгламалар олинди:

$$Y_1 = 44,375 - 1.125X_1 + 2.375X_2 + 1.125X_3 + 1.125X_2X_3 \quad (13)$$

$$Y_3 = 42,5 - 1.25X_1 + 2X_2 + 1,25X_3 + 1.25X_2X_3 \quad (14)$$

Регрессия тенгламалари интерпретацияси чиқувчи кўрсаткич–тозалаш самарадорлигини (Y) асосий кирувчи омиллари: қозикларни қиялик бурчаги ( $X_1$ ), винтни айланишлар сони ( $X_2$ ), қозик ва тўрли юза орасидаги тирқишга ( $X_3$ ) боғлиқлигини кўрсатади.



Олинган натижаларни муқобиллаш орқали тозалаш жараёнига таъсир этувчи омилларни қуйидаги қийматлари танлаб олинди(14–расм): қозикларни қиялик бурчаги– $30^0$ ; винтни айланишлар сони– $320 \text{ мин}^{-1}$ ; қозик ва тўрли юза орасидаги тирқиш–22 мм.

14–расм. Омилларнинг муқобиллаш графиги



15–расм. Сайхунобод пахта тозалаш корхонасига ўрнатилган тажрибавий тозалагичнинг умумий кўриниши.

Пахта тозалаш жараёнини жадаллаштирувчи энерго– ва ресурстежамкор, такомиллаштирилган тозалагични ишлаб чиқариш синовлари Сирдарё вилояти Сайхунобод ва Тошкент вилояти Қорасу пахта тозалаш корхоналарида ўтказилди, бунда мавжуд 1ХК тозалагичининг охириги тўртта қозикли барабанлари ўрнига таклиф этилаётган винтли орган ўрнатилди (15–расм). Олинган натижалар қуйидаги жадвалда келтирилмоқда.

№	Пахта селекцион нави	Пахта нави	Бошланғич намлик, %	Ифлосликлар, %						
				Бирламчи			Серияли 1ХК дан кейинги		Тажриба тозалагичидан кейинги	
				Умумий	Йирик	Майда	Майда	Тозалаш самарад орлиги %	Майда	Тозалаш самарад орлиги %
1	Ан – Баёвут	2/2	12.8	10.3	4.94	5.36	3.38	36.9	3.01	43.8
	Султон	3/1	10.8	7.9	3.7	4.2	2.56	39.04	2.33	44.5

Жадвалда келтирилган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, пахтани “Ан–Боёвут” навини қайта ишлашда винтли органли тозалагични қўллаш тозалаш самарадорлигини, нисбатан, 19% гача ортиши имконини беради. Пахтани “Султон” навини қайта ишлашда бундай кўрсаткич ўртача 14 % ни ташкил этади. Олинган натижалар винтли ишчи органдан тозалашда фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

## Хулосалар

“Пахта тозалаш жараёнида тозалагич агрегати конструкциясини такомиллаштириш” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Пахтани майда ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини ошириш, энерго- ва ресурстежамкорликни таъминлаш учун тозалагичларда турли хил тузилишдаги ишчи органлардан комбинациялашган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Пахтани майда ифлосликлардан тозалагичда тозалаш жараёнини жадаллаштириш учун қозикли барабанлар билан бирга винтли ишчи органдан фойдаланиш таклифи берилди ва бундай тозалагичга Ўзбекистон Республикасининг FAP 01533 сонли фойдали модель патенти олинди.

3. Пахтани тозалаш самарасини ошириш мақсадида тозалагичлар учун янги таъминлаш қурилмаси ишлаб чиқилди ва унга Ўзбекистон Республикасининг №FAP 01144 сонли фойдали модель патенти олинди.

4. Винтли ишчи органга эга тозалагичда пахтани ўқли тезлиги винт ўқини қиялик бурчаги  $\gamma$ , критик радиус  $r$ , винтли чизикни қўтарилиш бурчаги  $\alpha$ , бурчакли тезлик  $\omega_0$ , пахтани ишқаланиш коэффицентлари  $f_1$  ва  $f_2$  га боғлиқлигини ифодаловчи математик моделлар олинди ва бажарилган ҳисоблашлар натижасида кўрсаткичлари  $r = 230$  мм;  $\alpha = 30^\circ$ ;  $f_1 = 0,3$ ;  $f_2 = 0,4$   $n_0 = 260$  мин<sup>-1</sup>;  $S = 300$  мм.;  $b = 200$  мм. бўлганда пахтани айланиб кетиш эҳтимоли камайишини кўрсатилди.

5. Таклиф этилган винтли органни кўрсаткичларини ҳисоблаш натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди: пахтани ўқли силжиш тезлиги 1,37 м/с; винтли органни айланишлар сони  $-274$  мин<sup>-1</sup>; уни бурчакли тезлиги  $-28,7$  1/сек; пахтани винтли орган айланиш тарафига буралиш бурчаги  $-62^\circ$ ; электродвигатель валидаги қувват  $-1,25$  квт.

6. Винтли чизик бўйича ўрнатилган қозикларга тушаётган юклама уни ҳолатига кўра ўзгариши кўрсатиб ўтилди ва бундай ўзгариши 50–300 сН оралиғида бўлиши аниқланди.

7. Қозикли винтли ишчи орган қўллаш ва тозалаш жадаллигини ошириш ҳисобига пахтани бўлакчаларга ажралиши 25–32 % ортишига ва бу орқали чигаллашиш ҳолатлари 1,2–1,4 мартага камайиши кузатилди.

8. Тажрибаларни режалаш орқали винтли ишчи органни муқобил иш тартибларини белгиловчи математик моделлар олинди ва уларни қайта ишлаш орқали винтли ишчи органни қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди: винтни айланишлари сони  $-320$  мин<sup>-1</sup>, қозик ва тўрли юза орасидаги тирқиш  $-22$  мм, тозалагич иш унумдорлиги  $-5-7$  т/с.

9. Ишлаб чиқариш синовлари натижаларига кўра такомиллаштирилган тозалагич агрегатини қўллашда, тозалаш самарадорлиги, нисбатан, 14–19 % га ҳамда энерго- ва ресурстежамкорлик 1,3–1,4 мартага ортиши аниқланди.

10. Ишлаб чиқилган комбинациялашган ишчи органларга эга тозалагич агрегатини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги иқтисодий самарадорлик 123011,43 минг сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**РАЖАБОВ ИБРАТ ЯХШИМУРОДОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ ОЧИСТИТЕЛЬНОГО  
АГРЕГАТА ДЛЯ ПРОЦЕССА ОЧИСТКИ ХЛОПКА**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические  
системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/T741.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ttesi.uz](http://www.ttesi.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Сафоев Абдухалил Абдурахимович  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Баходиров Гайрат Атаханович  
доктор технических наук, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** Жиззах Политехника институти

Защита диссертации состоится «16» июля 2021 г. в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (99871) 253-06-06; факс: (99871) 253-36-17; e-mail: ([www.ttesi.uz](http://www.ttesi.uz))).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №103). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, Тел.: (99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «02» июля 2021 года.  
(Протокол рассылки № 103 от 02 июля 2021 года).

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н.  
 И.К.Сабиров

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор  
 А.З.Маматов

Заместитель председателя научного семинара при  
научном совете по присуждению ученой степеней,  
д.т.н., профессор  
 Х.А.Бабаханова

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире важное значение имеет всемерное развитие текстильной промышленности, значимого звена экономики. В этом плане «непрерывно повышается требования к качеству хлопкового волокна в ведущих странах, выращивающих хлопок-сырец, таких как Китай, США и Узбекистан. При этом особое внимание уделяется созданию и внедрению энерго- ресурсосберегающей технологии и оборудования для первичной обработки хлопка-сырца, внедрению их в производство»<sup>1</sup>. Для решения этих задач создание современной автоматизированной системы управления технологией переработки хлопка-сырца, разработка новых способов и процессов таких технологий, использование различных технологических машин согласно установленных требований, считается одной из актуальных задач.

В мире для хлопкоочистительной промышленности выполняются научно-исследовательские работы, направленные на разработку инновационной техники и технологий, предусматривающие эффективное применение современных достижений науки и техники, модернизацию существующих, развитие научных основ технологического процесса, определения оптимальные значения факторов влияющих на технологический процесс. В отрасли разработке высокоэффективных оборудования для процесса очистки хлопка-сырца, его научному обоснованию и совершенствованию существующих уделяется особое внимание.

В Республике осуществлены всемерные мероприятия, получены конкретные результаты по созданию высокопроизводительных, энерго-ресурсосберегающих технологических машин и оборудования для технологического процесса очистки хлопка от сорных примесей. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»<sup>2</sup>. При выполнении данной задачи, в том числе важным является создание эффективной техники и технологии очистки и внедрение их в производство.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан УП–4638 от 6 марта 2020 года “О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в хлопководстве”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №397 от 22 июля 2020 года. “О мерах по

---

<sup>1</sup> <http://www.cotton.org>. journal of cotton science; jit.sagepub.com

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

по дальнейшему развитию хлопко–текстильного производстве” а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данной сфере.

